В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

НОРМАТОВ ЗАФАР ШЕРМИРЗА ЎҒЛИ

КАЛОДЖЕРО-МОЗЕР ФАЗОЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 512.745.2

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

НОРМАТОВ ЗАФАР ШЕРМИРЗА ЎҒЛИ

КАЛОДЖЕРО-МОЗЕР ФАЗОЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/FM673 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Эшматов Фарход Ҳасанович** физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Омиров Бахром Абдазович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Хабьер Гарсия Мартинес математика фанлари доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 28 » июн соат 17:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (139-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2022 йил « 15 » июн куни тарқатилди.
(2022 йил « 15 » июндаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.А.Омиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруряти. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий ва амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда статистик физика ва инвариантлар назариясини таҳлил қилиш масалаларига келтирилади. Яъни, физикада n-жисм муаммоси фазодаги жисмлар группасининг алоҳида ҳаракатларини олдиндиндан аниқлашга қаратилган. Ҳар бир заррачанинг ҳаракатини бошқарадиган физик қонунлар оддий бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ, заррачалар тўпламини таҳлил қилиш жуда мураккаб ҳисобланади. Шу сабабдан, кўп жисмли назарий физика аксарият ҳолларда кўриб чиқилаётган муаммога хос бўлган яқинлашишлар тўпламига таянади ва фаннинг энг интенсив соҳалари қаторига киради. Калоджеро-Мозер динамик система бир ўлчовли кўп жисм муаммоси ҳисобланади. Калоджеро-Мозер системасини аниқ ечимга эга бўлган тескари квадрат Гамилтониан томонидан бошқариладиган чизиқ бўйлаб ҳаракатланадиган n та зарралар деб тасаввур қилиш мумкин. Ушбу заррачалар системасининг тегишли фаза фазосини яъни n-Калоджеро-Мозер фазосини тавсифлаш масалалари статистик физика, динамик системалар, инвариантлар назарияси ва информацион технологияларнинг муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда Калоджеро-Мозер фазосини Накажима йўналтирилган граф кўпхиллигига бир намуна сифатида қаралади. Шу сабабли, Калоджеро-Мозер фазолари алгебраик геометрияда, йўналтирилган графларнинг тасвирлар назариясида, проектив ва Чередник алгебраларида турли хил татбиқларга эга. Калоджеро-Мозер фазосининг энг асосий хусусиятларидан бири шундаки, у комплекс текисликдаги нуқталарнинг Гильберт схемасига диффеоморфдир. Демак, Гильберт схемаси учун барча маълум (ко)гомологик конструкциялар Калоджеро-Мозер фазоси учун ўзларининг ўхшашларига эга бўлиши керак. Гильберт схемасига ўхшамаган ҳолда Калоджеро-Мозер фазоси силлиқ аффин алгебраик кўпхилликдир ва у кўпҳадли функциялар алгебраси билан аниқланади. Кўпҳадли функциялари алгебрасининг аниқ тавсифи инвариант матрицалар назариясининг очиқ муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу борада: Калоджеро-Мозер фазоларининг минимал ҳосил қилувчилари тўпламини топиш ва топилган ҳосил қилувчилар орасида кўпҳадли муносабатларни аниқлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган амалий математика, информатика, рақамли иқтисодиётнинг долзарб йўналишларга эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда нонассоциатив алгебралар бўйича фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу фундаментал тадқиқотлар доирасида Калоджеро-Мозер фазоларини тавсифлаш орқали амалий муаммоларни ҳал этиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика

фанининг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида Калоджеро-Мозер фазоларини тавсифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ф.Калоджеро, Ж.Мозер, Д.Каздан, Б.Костант ва С.Стернбергларнинг ишларидан бошлаб Калоджеро-Мозер системалари ва Кадомцев-Петвиашвили (КП) системаси ўртасидаги боғлиқлик бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилди. Кричевер ўзининг бир қатор мақолаларида КП ва Калоджеро-Мозер системаларида ҳайратланарли кашфиётлар қилди. У КП тенгламасининг рационал ечимларининг қутблари Калоджеро-Мозер системасига мувофиқ ҳаракат қилишини аниқ кузатди. Калоджеро-Мозер фазолари ва маълум чексиз ўлчамли Грассманниан Gr^{ad} ўртасида табиий биектив мослашувни қурган олим, Вилсон бу сирни ҳал қилди. Аделик Грасманниан КП тенгламасининг рационал ечимларини параметрлаштиради. Бундан ташқари, у аниқланган биекция КП оқимлари билан мос тушишини кўрсатди. Бу ишдан фойдаланиб Берест ва Вилсон биринчи Вейл алгебраси идеалларининг изоморфизм синфлари фазоси ва Калоджеро-Мозер фазолари ўртасидаги мосликни аниқлашди. Кейинги ишларида улар Калоджеро-Мозер фазосининг ҳар бирида текислик G аффин Кремона гуруппасининг табиий таъсири борлигини ва бу транзитив таъсир бўлишини кўрсатишган. Ю.Берест, А.Эшматов, Ф.Эшматовлар таъсирнинг икки-транзитив эканлигини исботлаб, таъсирнинг чексиз транзитив бўлишлигини тахмин қилдилар. БЭЭ гипотезаси Куюмзиян томонидан исботланган.

П.Этингоф ва В.Гинзбургларнинг асосий натижаларидан бири n-

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори.

даражали симметрик группа билан боғланган $H_c(S_n)$ рационал Чередник алгебрасининг сферик қисмалгебраси Калоджеро-Мозер кўпхиллигининг $\mathcal{O}(\mathcal{C}_n)$ координата ҳалқасига изоморф коммутатив алгебра эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, $H_c(S_n)$ алгебраси ва $\mathcal{O}(\mathcal{C}_n)$ ҳалқа орасида Морита эквивалентлик муносабати, ҳамда $H_c(S_n)$ нинг оддий тасвирлари ва $\mathcal{C}_n$ нинг нуқталари ўртасида ўзаро бир қийматли мослик мавжуд. Бу фактлардан фойдаланиб, $\mathcal{O}(\mathcal{C}_n)$ алгебрада $\mathcal{C}_n$ нинг симплектик структурасидан келиб чиқадиган Пуассон алгебра структураси аниқланган. Хусусан, $\mathcal{O}(\mathcal{C}_n)$ алгебранинг Пуассон ҳосил қилувчилари топилган. G таъсирнинг транзитивлиги ва $\mathcal{C}_n$ гипер-Келер кўпхиллиги эканлигидан келиб чиққан ҳолда, Хитчин ва Вилсон $\mathcal{C}_n$ фазони баъзи чексиз ўлчамли Ли алгебрасининг қўшма орбитаси бўлиши ёки бўлмаслигига қизиқишди. Бунга Гинзбург ҳамда Боскландт ва Ле Бруйн томонларидан мустақил равишда ижобий жавоблар берилди. Улар $\mathcal{C}_n$ билан боғлиқ бўлган шода Ли алгебрасидан $\mathcal{O}(\mathcal{C}_n)$ алгебрасига табиий суръектив Ли алгебра гомоморфизмини қурдилар. Бу гомоморфизм жуфт $n \times n$ матрицалардаги инвариант кўпҳадлар ҳалқаси орқали ўтади. Шундай қилиб, Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқаларини тавсифи $n \times n$ матрицаларнинг инвариант назарияси билан чамбарчас боғлиқ.

Матрицаларнинг инвариант назарияси d та $n \times n$ матрицаларга мос равишда қўшмасига ўтказиш билан таъсир этувчи GL_n-инвариантлар C_{nd} алгебрасини ўрганади. Масала икки қисмдан иборатдир: C_{nd} ҳалқанинг минимал ҳосил қилувчилари тўпламини аниқлаш ва улар орасидаги кўпҳадли муносабатларни топиш. К.С.Сибирский C_{2d} ҳалқанинг ҳосил қилувчилари из функцияларидан иборат эканлигини исботлади. Кейинчалик М.Артин кичик ўлчамли матрицаларнинг инвариантларини барча из функциялар билан ҳосил қилиш мумкинлигини исботлади ва бу натижа ихтиёрий ўлчамли матрицаларнинг инвариантлари учун ҳам тўғри бўлишини тахмин қилди. Ю.П.Размыслов ва С.Прочезилар мустақил равишда М.Артиннинг тахминини исботлаб, ҳосил қилувчилар тўпламининг қуввати чекли эканлигини ҳам кўрсатдилар. Шунингдек, улар бу ҳосил қилувчилар орасидаги муносабатлар Кэли-Гамильтон теоремасидан келиб чиқишини исботладилар. Бироқ, C_{nd} нинг минимал ҳосил қилувчилар тўпламини топиш ва улар орасидаги муносабатларни аниқ ёзиш очиқ муаммо бўлиб қолмоқда. Баъзи маълум натижаларни келтирамиз. Я.Дубнов C_{22} ҳеч қандай муносабатларга эга бўлмаган бешта ўзгарувчили кўпҳадлар алгебраси бўлишини кўрсатди. C_{23} алгебра ягона муносабатга эга бўлган кўпҳадлар алгебраси эканлиги К.С.Сибирский ва Э.Форманекнинг ишларидан келиб чиқади. Й.Тераниши C_{32} алгебра учун 11 та издан иборат минимал ҳосил қилувчилар тўплами ва унинг Гильберт қаторини ҳисоблаб чиқди. Бу қаторнинг тавсифидан C_{32} да ягона кўпҳадли муносабат мавжуд эканлиги келиб чиқади. Накамото бу

муносабатнинг аниқ шаклини топди. 1989 йилда С.Абеасис ва М.Питталуга ҳар қандай C_{3d} алгебра учун ҳосил қилувчиларни ҳисоблашнинг самарали усулини таклиф қилишди. Уларнинг натижаларидан фойдаланиб Х.Аслаксен, В.Дренский ва Л.Садиковалар C_{32} алгебра учун янги минимал ҳосил қилувчилар тўпламини тақдим этдилар ва улар орасидагни муносабатни топдилар. Ниҳоят, В.Дренский, Л.Садикова ва Д.Джоковичлар томонидан C_{42} алгебра учун минимал ҳосил қилувчилар тўплами тақдим этилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В.И.Романовский номидаги Математика институтининг ОТ-Ф4-82+ОТ-Ф4-87 рақамли «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизикли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос + Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва сиртларнинг глобал инвариантлари назарияси ва унинг механикага татбиқлари» (2017-2019 йиллар) ва ЁФА-Фтех-2018-77 рақамли «Яримсодда ва нилпотент алгебраларининг когомологик группалари» (2018-2019 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқасида Пуассон алгебра структурасини аниқлаш ва бу структурадан фойдаланиб Калоджеро-Мозер фазоларининг алгебраик тавсифини беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

учинчи ва тўртинчи Калоджеро-Мозер фазолари координата ҳалқаларининг минимал ҳосил қилувчилари тўпламини топиш;

Калоджеро-Мозер фазолари координата ҳалқаларининг ҳосил қилувчилари орасидаги муносабатларни топиш;

Калоджеро-Мозер фазоларида Пуассон алгебра структурасини аниқлаш;

аффин Кремона группасини иккинчи Калоджеро-Мозер фазосига таъсирини чексиз транзитив таъсир эканлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Калоджеро-Мозер фазоси, координата ҳалқа, кўпҳадли муносабат.

Тадқиқотнинг предмети. Пуассон алгебралар назарияси, инвариантлар назарияси, матрицалар назарияси ва кўпҳадлар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ассоциатив алгебралар назарияси методлари, индукция методи, шунингдек инвариантлар назарияси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

учинчи ва тўртинчи Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқаларининг минимал ҳосил қилувчилари топилган;

учинчи ва тўртинчи Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқаларининг ҳосил қилувчилари орасидаги муносабатлар топилган ва умумий ҳолда айрим ҳосил қилувчилар орасида муносабат мавжудлиги исботланган;

Пуассон алгебра структураси орқали Калоджеро-Мозер фазоларини тавсифлаш усули яратилган ва бу усул ёрдамида учинчи ва тўртинчи Калоджеро-Мозер фазолари тавсифланган;

аффин Кремона группасининг таъсири иккинчи Калоджеро-Мозер фазосида чексиз транзитив эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Диссертацияда олинган натижалар ва фойдаланилган усулларни олий ўқув юртлари магистрантлари ва таянч докторантлари учун махсус курсларда ўқитиш мумкин. Шунингдек, Пуаасон структурасига доир натижалар инвариант матрицалар назариясининг гипотезаларини ҳал этишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги натижалар инвариантлар назариясини, ҳамда алгебралар назариясининг фундаментал натижаларини қўллаш орқали олинганлиги билан изоҳланади. Олинган натижалар математик жиҳатдан тўғри. Учинчи ва тўртинчи Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқаларида топилган муносабатлар Mathematica 12 дастурининг стандарт буйруқлари орқали текшириш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда олинган натижалардан турли алгебраларнинг кўпхиллигини тадқиқ қилишда, хусусан, диссертацияда келтирилган усул ва методларни қўллаб, инвариантлар назариясидаги гипотезани ҳал қилишда фойдаланилганлига билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалардан алгебраик структуралар назариясида қўллаш мумкин. Шунингдек, диссертацияда олинган натижалар ва фойдаланилган усулларни олий ўқув юртлари магистрантлари ва таянч докторантлари учун махсус курсларда ўқитиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Калоджеро-Мозер фазоларининг тавсифи бўйича олинган натижалар асосида:

учинчи ва тўртинчи Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқаларининг минимал ҳосил қилувчилари тўпламидан №MTM2016-79661-P рақамли «Группа ва ноассоциатив алгебраларнинг гомологиялари, гомотопик ва категорик инвариантлари» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида ҳосил қилувчилар орасидаги муносабатларни аниқлашда фойдаланилган (Сантьяго де Компостела университетининг 2022 йил 15 апрелдаги маълумотномаси, Испания). Илмий натижани қўлланилиши умумий ҳолда юқори тартибли инвариант матрицалар ҳалқасидаги муносабатни аниқлашни имконини берган;

Калоджеро-Мозер фазоларида Пуассон алгебра структурасини аниқланишидан ОТ–Ф4–31 рақамли «Нокоммутатив модуллар, Лейбниц алгебралари ва симплексда полиномиал каскадлар» мавзусидаги фундаментал лойиҳада Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқасини тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 21 апрелдаги маълумотномаси). Илмий натижани қўлланилиши учинчи ва тўртинчи Калоджеро-Мозер фазоларининг минимал ҳосил қилувчиларининг

Пуассон кўпайтма жадвалини аниқ топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 85 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар, ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертатциянинг биринчи боби «**Дастлабки маълумотлар ва натижалар**» деб номланган. Бу бобда асосий тушунчалар ва диссертатцияда ишлатиладиган баъзи терминлар келтирилган. Шунингдек, Калоджеро-Мозер фазолари инвариант матрицалар ҳалқасига кирганлиги сабабли бу ҳалқага тегишли машҳур натижалар эслатиб ўтилган.

1-таъриф. Айтайлик, G группа ва бўш бўлмаган S тўплам берилган бўлсин. Агар $\cdot : G \times S \to S$ функция учун $\cdot(g,x) \to g \cdot x$ белгилаш киритилиб, бу функция барча $x \in S$, $g_1, g_2 \in G$ учун

(i) $(g_1 g_2) \cdot x = g_1 \cdot (g_2 \cdot x)$,

(ii) $e \cdot x = x$, бу ерда e элемент G группанинг бирлик элементи,

шартларни қаноатлантирса, G группа S тўпламга таъсир этади дейилади.

Агар G группанинг S тўпламга таъсири мавжуд бўлса, у ҳолда S тўплам G **-тўплам** дейилади.

$\mathcal{M}_n := M_n(\mathbb{C})$ орқали $\mathbb{C}$ комплекс сонлар майдони устидаги $n \times n$ матрицаларнинг ассоциатив алгебрасини белгилаймиз. Айтайлик d мусбат бутун сон бўлсин. Тескариланувчи $n \times n$ матрицаларнинг $\mathrm{GL}_n(\mathbb{C})$ группаси $\mathcal{M}_n$ алгебранинг d та нусхасидан иборат $\mathcal{M}_n^d$ тўғри кўпайтмасига табиий равишда таъсир этади:

$$g\cdot(X_1,...,X_d)=(gX_1g^{-1},\ldots,gX_dg^{-1}),\quad g\in \mathrm{GL}_n(\mathbb{C}). \tag{1}$$

Бу таъсир $\mathcal{M}_n^d$ тўғри кўпайтмадаги $\mathbb{C}[\mathcal{M}_n^d]$ кўпҳадлар алгебрасида таъсир ҳосил қилади, яъни $\varphi\in\mathbb{C}[\mathcal{M}_n^d]$ ва $g\in \mathrm{GL}_n$ учун қуйидагича аниқланади:

$$(g*\varphi)(X_1,\ldots,X_d):=\varphi(g^{-1}.(X_1,\ldots,X_d)),$$

бу ерда $i=1,\ldots,d$ учун X_i нинг элементларини чизиқли функциялар сифатида қараш мумкин.

$\mathcal{M}_n^d$ тўғри кўпайтмани dn^2 ўлчамли аффин фазо сифатида ҳам аниқлаш мумкилиги эслатиб ўтамиз, яъни $M_n^d\cong\mathbb{C}^{dn^2}$.

$\mathcal{M}_n^d/\mathrm{GL}_n$ орбита фазосини алгебраик кўпхиллик сифатида тавсифлаш классик инвариантлар назариясининг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун Давид Мамфорд 1965 йилда Гильбертнинг инвариантлар назариясидаги ғояларидан фойдаланиб янги $V/\!/G$ орбита фазосини киритди, бу ерда V алгебраик кўпхиллик ва G эса бу кўпхилликка таъсир этувчи алгебраик группа. Бошқача қилиб айтганда, $V/\!/G$ орбита фазоси V устидаги ёпиқ G-орбиталардан иборат.

Ихтиёрий V алгебраик кўпхиллик ўзидаги $\mathbb{C}[V]$ кўпҳадлар алгебраси билан аниқланганлиги сабабли $\mathcal{M}_n^d/\!/\mathrm{GL}_n$ орбита фазосини тавсифлашнинг ўрнига $\mathbb{C}[\mathcal{M}_n^d/\!/\mathrm{GL}_n]$ кўпҳадлар алгебрасини тавсифлаш етарлидар.

V устидаги G-таъсир барча $f\in\mathbb{C}[V]$, $g\in G$ лар учун $\mathbb{C}[V]$ устида қуйидаги формула билан аниқланган:

$$(g*f)(v):=f(g^{-1}\cdot v).$$

G-таъсир ҳосил қилганлинги сабабли G-инвариант кўпҳадларнинг қуйидагича қисм-алгебрасини аниқлаймиз:

$$\mathbb{C}[V]^G:=\{f\in\mathbb{C}[V]\ \mid\ g*f=f\quad \text{барча } g\in G\}.$$

Қуйидаги теорема 1965 йилда Д. Мамфорд томонидан исботланган.

1-теорема. Айтайлик, V алгебраик кўпхилликга таъсир этувчи G алгебраик группа берилган бўлсин. У ҳолда

$$\mathbb{C}[V/\!/G]\cong\mathbb{C}[V]^G.$$

Шунинг учун, Мамфорднинг теоремасига кўра, $\mathbb{C}[\mathcal{M}_n^d/\!/\mathrm{GL}_n]$ алгебранинг тавсифлаш масаласини қуйидаги икки масалани ўрганишга келтириш мумкин:

i) $\mathbb{C}[\mathcal{M}_n^d/\!/\mathrm{GL}_n]$ алгебранинг ҳосил қилувчиларини топиш,

ii) бу ҳосил қилувчилар орасидаги барча боғлиқликларни топиш.

Биз GL_n-инвариант кўпҳадларнинг $C_{nd}:=\mathbb{C}[\mathcal{M}_n^d]^{\mathrm{GL}_n}$ алгебрасини тавсифлаш масаласини ўрганамиз. Юқоридаги i) масалани ечиш мақсадида мустақил равишда С. Прочези ва Ю.П. Размысловлар қуйидаги машхур натижаларни исботладилар.

2-теорема. C_{nd} ҳалқа комплекс сонлар майдони устида барча

$\mathrm{Tr}(A_{i_1}A_{i_2}\ldots A_{i_j})$, $1 \le j \le n^2$ лар орқали ҳосил қилинади, бу ерда $A_{i_1}, A_{i_2}, \ldots, A_{i_j} \in \{A_1, A_2, \ldots, A_d\}$.

Энди юқоридаги масаланинг иккинчи қисмини хал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган Кэли-Гамильтон теоремасини келтирамиз.

3-теорема. Ихтиёрий $A \in \mathcal{M}_n$ матрица учун $f_n(A) = 0$ тенглик ўринлидир, бу ерда $f_n(x) - A$ матрицанинг характеристик кўпҳади.

Қуйидаги теорема ҳам С. Прочези ва Ю.П. Размысловлар томонидан исботланган:

4-теорема. Ноль характеристикали майдон устидаги матрицалар алгебрасининг барча из тенгликлари Кэли-Гамилтон теоремаси натижасида хосил бўлади.

$n \ge 0$ сон учун, $\mathcal{M}_n \times \mathcal{M}_n$ декарт кўпайтманинг қуйидагича қисм тўпламини аниқлаймиз:

$$\overline{\mathcal{C}}_n := \{(X,Y) \in \mathcal{M}_n \times \mathcal{M}_n \mid \operatorname{rank}([X,Y] + I_n) = 1\},$$

бу ерда I_n матрица $n \times n$ ўлчамли бирлик матрица. $\mathcal{M}_n \times \mathcal{M}_n$ да аниқланган (1) кўринишдаги таъсир $\overline{\mathcal{C}}_n$ да ҳам таъсир хосил қилади.

2-таъриф. $\overline{\mathcal{C}}_n /\!/ \mathrm{GL}_n$ орбита фазосига n-Калоджеро-Мозер фазоси дейилади.

Калоджеро-Мозер фазолари Вилсон ишларида кенг қамровли ўрганилган ва у қуйидаги теоремани исботлаган:

5-теорема. n-Калоджеро-Мозер $\mathcal{C}_n$ фазоси $2n$ ўлчамли силлиқ, ажралмайдиган комплекс симплект аффин кўпхиллиги бўлади.

Энди Пуассон алгебраси таърифининг қисми ҳисобланган Ли алгебраси таърифини келтирамиз. Кейинчалик C_{nd} ҳалқани Пуассон алгебра структурасига эга эканлигини кўрсатамиз. Натижада бу структура Калоджеро-Мозер фазосининг координата ҳалқасида Пуассон структура ҳосил қилади.

3-таъриф. $\mathbb{F}$ майдон устида аниқланган L алгебранинг ихтиёрий *x, y, z* элементлари учун қуйидаги айниятлар бажарилса:

$[x,x] = 0$ − антикоммутативлик айнияти,

$[x,[y,z]] + [y,[z,x]] + [z,[x,y]] = 0$ − Якоби айнияти,

у ҳолда L алгебра Ли алгебраси дейилади, бу ерда $[-,-]$ − L алгебрада аниқланган кўпайтириш амали.

Энди Пуассон алгебраси таърифини келтирамиз.

4-таъриф. $(R,\cdot)$ коммутатив, ассоциатив алгебрада $\{-,-\}$ амал аниқланган бўлиб, ихтиёрий a,b,c элементлар бу амалга нисбатан қуйидаги айниятларни бажарса:

i) $\{a,b\} = -\{b,a\}$,

ii) $\{a,\{b,c\}\} + \{b,\{c,a\}\} + \{c,\{a,b\}\} = 0$,

iii) $\{a \cdot b, c\} = a \cdot \{b,c\} + b \cdot \{a,c\}$,

у ҳолда R алгебрага Пуассон алгебраси дейилади.

Лейбниц алгебра таърифини келтирайлик.

5-таъриф. $\mathbb{F}$ майдон устида аниқланган L алгебранинг ихтиёрий *x, y, z* элементлари учун қуйидаги

$$[[x,y],z]=[[x,z],y]+[x,[y,z]]$$

Лейбниц айнияти бажарилса, L алгебра Лейбниц алгебраси дейилади, бу ерда $[-,-]-L$ алгебрада аниқланган кўпайтириш амали.

Энди C_{nd} да Пуассон алгебра структураси қандай аниқланишини кўриб чиқамиз.

Айтайлик $\omega: V\times V\to\mathbb{C}$ икки ўлчамли $V=\mathbb{C}x\oplus\mathbb{C}y$ вектор фазосида

$$\omega(x,y)=-\omega(y,x)=1,\ \omega(x,x)=\omega(y,y)=0$$

шартлар билан аниқланган бичизиқли форма, R эса x ва y элементлар орқали ҳосил қилинган эркин ассоциатив алгебра бўлсин. $\{-,-\}: R\times R\to R$ бичизиқли акслантиришни қуйидагича аниқлайлик:

$$\{u_1\dots u_p, v_1\dots v_q\}=\sum_{i=1}^{p}\sum_{j=1}^{q}\omega(u_i,v_j)u_{i+1}\dots u_p u_1\dots u_{i-1}v_{j+1}\dots v_q v_1\dots v_{j-1},$$

бу ерда $u_1,\dots,u_p,v_1,\dots,v_q$ лар x ёки y ни қабул қилади.

1993 йилда М.Концевич бу кўпайтмани Лейбниц айниятини қаноатлантиришини исботлади ва бу натижа R алгебранинг бу кўпайтмага нисбатан Лейбниц алгебраси бўлишини кўрсатади. R алгебранинг $\mathrm{Com}(R)=Span\{ab-ba\,|\,a,b\in R\}$ қисм-фазосини аниқлайлик. $\mathrm{Com}(R)$ қисм-фазо R алгебранинг маркази $Z(R)$ да ётишини кўрсатиш қийин эмас. $\mathcal{L}=R/\mathrm{Com}(R)$ фактор Лейбниц алгебрани кўриб чиқамиз. Қуйидаги натижа Гинзбургнинг ишида исботланган:

1-тасдиқ. $\mathcal{L}=R/\mathrm{Com}(R)$ фактор алгебра ҳосил қилинган кўпайтмага нисбатан Ли алгебра бўлади.

Бу Ли алгебра шода Ли алгебрага мисол бўлади ва инвариант матрицалар ҳалқасида Ли алгебра структурасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам, қуйидагича аниқланган акслантириш:

$$tr:\mathcal{L}\to\mathbb{C}[(M_n\times M_n)//\mathrm{GL}_n]$$
$$x^{k_1}y^{l_1}\dots x^{k_m}y^{l_m}\mapsto((X,Y)\mapsto\mathrm{Tr}(X^{k_1}Y^{l_1}\dots X^{k_m}Y^{l_m}))$$

C_{nd} алгебрада Ли алгебра структураси ва натижада Пуассон алгебра структурасини ҳосил қилади.

Шунингдек, биз Калоджеро-Мозер фазоларида группа таъсирини ҳам ўрганамиз.

6-таъриф. Айтайлик $\mathcal{G}$ группа ва бўш бўлмаган S тўплам берилган бўлсин. Агар $s,r\in S$ элементлар учун шундай $g\in\mathcal{G}$ элемент топилиб $g\cdot s=r$ бўлса, у ҳолда $\mathcal{G}$ группа S тўпламда транзитив таъсир этади, ёки таъсир транзитив дейилади.

Энди n-транзитив тушунчасини келтирамиз.

7-таъриф. Агар $(s_1,\dots,s_n)$ ва $(r_1,\dots,r_n)$ лар S тўпламдаги турли n-ликлар

учун шундай $g \in \mathcal{G}$ элемент топилиб, бу элемент учун

$$g \cdot (s_1,\ldots,s_n) = (g \cdot s_1,\ldots,g \cdot s_n) = (r_1,\ldots,r_n)$$

шарт бажарилса, у ҳолда $\mathcal{G}$ группа S тўпламда n-транзитив таъсир этади, ёки таъсир n-транзитив дейилади.

Қуйидаги таъриф чексиз транзитив тушунчасини тавсифлайди.

8-таъриф. Агар ҳар бир мусбат n сони учун $\mathcal{G}$ группанинг S тўпламдаги таъсири n-транзитив бўлса, у ҳолда бу таъсир чексиз транзитив дейилади.

Икки ўзгарувчили кўпҳадлар $\mathbb{C}[x,y]$ ҳалқасининг унимодуляр автоморфизмларининг G группаси $\mathcal{C}_n$ Калоджеро-Мозер фазосида таъсир этади.

Қуйидаги теорема Г.Вилсон ва Ю.Берестлар ишида исботланган:

6-теорема. Ҳар бир $n \geq 0$ учун G группа $\mathcal{C}_n$ да транзитив таъсир этади.

Шунингдек, Ю. Берест, А. Эшматов, Ф. Эшматовлар қуйидаги теоремани исботлашган:

7-теорема. Хар бир $n \geq 0$ учун G группа $\mathcal{C}_n$ га 2-транзитив таъсир этади.

Шунингдек, улар томонидан бу таъсир чексиз транзитив бўлиши ҳақида гипотеза берилган. Бу гипотеза К. Кюмзиян томонидан исботланган:

8-теорема. $\mathcal{C}_n$ Калоджеро-Мозер фазосининг автоморфизмлари группаси таъсири чексиз транзитив бўлади.

Диссертациянинг «**Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқасидаги муносабатлар**» деб номланувчи иккинчи бобида, инвариант матрицалар назарияси учун қаралган масалаларни Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқаси учун ечимлари берилади. Калоджеро-Мозер фазолари инвариантлар ҳалқасининг фактори бўлганлига сабабли бу масалаларни ўрганиш мумкин.

П.Этингоф ва В.Гинзбургларнинг ишларида

$$\{\mathrm{Tr}(X^iY^j) \mid 0 \leq i,j \leq n\}$$

тўплам Калоджеро-Мозер фазоларининг $\mathbb{C}[\mathcal{C}_n]$ координата ҳалқасини коммутатив алгебра сифатида ҳосил қилиши исботланган. $\mathcal{P}$ орқали $\mathbb{C}[\mathcal{C}_n]$ нинг қуйидаги ҳосил қилувчиларидан иборат тўпламни белгилаймиз:

$$\begin{array}{l}
\mathrm{Tr}(X),\ \mathrm{Tr}(Y),\\
\mathrm{Tr}(A^2),\ \mathrm{Tr}(AB),\ \mathrm{Tr}(B^2),\\
\mathrm{Tr}(A^3),\ \mathrm{Tr}(A^2B),\ \mathrm{Tr}(AB^2),\ \mathrm{Tr}(B^3),\\
\mathrm{Tr}(A^4),\ \mathrm{Tr}(A^3B),\ \mathrm{Tr}(A^2B^2),\ \mathrm{Tr}(AB^3),\ \mathrm{Tr}(B^4),\\
\quad\vdots\qquad\quad\vdots\qquad\quad\ddots\\
\mathrm{Tr}(A^n),\ \mathrm{Tr}(A^{n-1}B),\ldots,\ \mathrm{Tr}(AB^{n-1}),\ \mathrm{Tr}(B^n),
\end{array}$$

бу ерда $A = X - \frac{1}{n}\mathrm{Tr}(X)I_n$, $B = Y - \frac{1}{n}\mathrm{Tr}(Y)I_n$.

9-Теорема. $\mathcal{P}$ тўпламдаги ҳосил қилувчилар орасида камида битта муносабат мавжуд.

Қайд этиш керакки $\mathcal{P}$ тўплам Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқаси учун минимал ҳосил қилувчилар тўплами эмас. Бироқ, 9-

Теоремани исботида қўлланилган метод $\mathcal{P}$ тўплам элементлари орасидаги муносабат кўринишини аниқ ёзишга ёрдам беради.

$\{\mathrm{Tr}(X^iY^j), 0 \le i, j \le n\}$ тўплам $\mathbb{C}[\mathcal{C}_n]$ алгебрани коммутатив алгебра сифатида ҳосил қилганлигидан ва Кэли-Гамильтон теоремасидан фойдаланиб қуйидаги тасдиқни оламиз.

2-тасдиқ. Қуйидаги излар

$$\mathrm{Tr}(X), \mathrm{Tr}(Y),$$
$$\mathrm{Tr}(A^2), \mathrm{Tr}(AB), \mathrm{Tr}(B^2),$$
$$\mathrm{Tr}(A^3), \mathrm{Tr}(A^2B), \mathrm{Tr}(AB^2), \mathrm{Tr}(B^3),$$
$$\mathrm{Tr}(A^4), \mathrm{Tr}(A^3B), \mathrm{Tr}(A^2B^2), \mathrm{Tr}(AB^3), \mathrm{Tr}(B^4),$$
$$\mathrm{Tr}(A^3B^2), \mathrm{Tr}(A^2B^3), \mathrm{Tr}(A^3B^3)$$

$\mathbb{C}[\mathcal{C}_4]$ ни ҳосил қилади.

Бироқ, у минимал ҳосил қилувчилар тўплами эмас. Қуйида биз баъзи «аралаш» излар ва «тартибланган» излар орасида боғланиш мавжудлигини келтирамиз.

1-лемма. Ихтиёрий $(X,Y) \in \mathcal{C}_4$ жуфтлик учун қуйидаги тенгликлар ўринли:

$$12\mathrm{Tr}(A^3B^2) = \mathrm{Tr}(A^3)\mathrm{Tr}(B^2) + 6\mathrm{Tr}(A^2B)\mathrm{Tr}(AB) + 3\mathrm{Tr}(AB^2)\mathrm{Tr}(A^2),$$
$$12\mathrm{Tr}(A^2B^3) = \mathrm{Tr}(A^2)\mathrm{Tr}(B^3) + 6\mathrm{Tr}(AB^2)\mathrm{Tr}(AB) + 3\mathrm{Tr}(A^2B)\mathrm{Tr}(B^2).$$
$$\begin{aligned} 20\mathrm{Tr}(A^3B^3) = &-\mathrm{Tr}^3(AB) + 6\mathrm{Tr}(A^2B)\mathrm{Tr}(AB^2) + 3\mathrm{Tr}(A^3B)\mathrm{Tr}(B^2) \\ &+ 9\mathrm{Tr}(A^2B^2)\mathrm{Tr}(AB) + 3\mathrm{Tr}(AB^3)\mathrm{Tr}(A^2) \\ &+ \frac{2}{3}\mathrm{Tr}(A^3)\mathrm{Tr}(B^3) - \frac{3}{2}\mathrm{Tr}(A^2)\mathrm{Tr}(AB)\mathrm{Tr}(B^2) - 16\mathrm{Tr}(AB). \end{aligned}$$

Бу леммадан 2-Тасдиқдаги изларнинг охирги иккитаси кўпҳад шаклида қолганлари орқали ифодаланиши келиб чиқади. Шунингдек, қуйидаги натижа ўринлидир:

10-теорема. Қуйидаги излар

$$\mathrm{Tr}(X), \mathrm{Tr}(Y),$$
$$\mathrm{Tr}(A^2), \mathrm{Tr}(AB), \mathrm{Tr}(B^2),$$
$$\mathrm{Tr}(A^3), \mathrm{Tr}(A^2B), \mathrm{Tr}(AB^2), \mathrm{Tr}(B^3),$$
$$\mathrm{Tr}(A^4), \mathrm{Tr}(A^3B), \mathrm{Tr}(A^2B^2), \mathrm{Tr}(AB^3), \mathrm{Tr}(B^4)$$

$\mathbb{C}[\mathcal{C}_4]$ нинг минимал ҳосил қилувчилари тўпламини ҳосил қилади.

Қуйидаги теорема $\mathbb{C}[\mathcal{C}_4]$ нинг ҳосил қилувчилари орасидаги муносабатни аниқ шаклини кўрсатади.

11-теорема. $\mathbb{C}[\mathcal{C}_4]$ да қуйидагича муносабат ўринли бўлади:

$$\begin{aligned} &-\mathrm{Tr}^2(A^2)\mathrm{Tr}(B^2) + \mathrm{Tr}(A^2)\mathrm{Tr}^2(AB) + 2\mathrm{Tr}(A^2)\mathrm{Tr}(A^2B^2) - 4\mathrm{Tr}(AB)\mathrm{Tr}(A^3B) \\ &+2\mathrm{Tr}(B^2)\mathrm{Tr}(A^4) + 2\mathrm{Tr}(A^3)\mathrm{Tr}(AB^2) - 2\mathrm{Tr}(A^2B)^2 + 8\mathrm{Tr}(A^2) = 0; \end{aligned}$$

C_{32} алгебра учун даражаси 6 дан ошмайдиган 11 элементдан иборат минимал ҳосил қилувчилар тўплами Тераниши томонидан топилган. Улар қуйидагича: $\mathrm{Tr}(X), \mathrm{Tr}(Y)$ ва

$$\mathrm{Tr}(X^2), \mathrm{Tr}(XY), \mathrm{Tr}(Y^2), \mathrm{Tr}(X^3), \mathrm{Tr}(X^2Y), \mathrm{Tr}(XY^2), \mathrm{Tr}(Y^3), \quad (2)$$
$$\mathrm{Tr}(X^2Y^2), \mathrm{Tr}(X^2Y^2XY). \quad (3)$$

К.Накамото ягона ва жуда мураккаб бўлган алгебраик муносабатни топган. Х.Аслаксен, В.Дренский ва Л.Садиковаларнинг ишида бошқа бир минимал ҳосил қилувчилар тўплами топилган. Бу ҳосил қилувчилар юқоридаги ҳосил қилувчилардан қуйидагича фарқ қилади: дастлабки икки из ўзгармайди, (2) даги излардаги X ва Y матрицалар мос равишда ўзларининг изсиз A ва B матрицалари билан ва (3) даги излар қуйидаги

$$v = \mathrm{Tr}(A^2B^2) - \mathrm{Tr}(ABAB), \tag{4}$$

$$w = \mathrm{Tr}(A^2B^2AB) - \mathrm{Tr}(B^2A^2BA) \tag{5}$$

излар билан алмаштирилган. Ушбу янги ҳосил қилувчилар орқали улар орасидаги муносабатни кўринишини ёзиш анча осонлашади ва бу натижа Х.Аслаксен, В.Дренский ва Л.Садиковаларнинг ишидаги асосий натижа ҳисобланади. Шунингдек, муаллифлар қуйидагини исботлашган:

3-тасдиқ. C_{32} да қуйидагича тенглик ўринли бўлади:

$$\mathrm{Tr}(ABAB) - \mathrm{Tr}(A^2B^2) = \frac{1}{2}n(n-1). \tag{6}$$

(6) тенглик C_{32} алгебрадаги v ҳосил қилувчини $\mathcal{C}_3$ Калоджеро-Мозер фазосининг координата ҳалқасида ўзгармас сонга тенг эканлини билдиради, яъни $v = -3$. Қуйида C_{32} алгебранинг w ҳосил қилувчини $\mathcal{C}_3$ Калоджеро-Мозер фазосининг координата ҳалқасида қандай бўлиши ҳақида маълумот беради.

4-тасдиқ. Ихтиёрий $(X,Y) \in \mathcal{C}_n$ жуфтлик учун қуйидаги тенглик ўринли:

$$\mathrm{Tr}(A^2BAB^2) = \mathrm{Tr}(A^2B^2AB) - \frac{1}{3}n(n-1)(n-2).$$

4-Тасдиққа кўра w ҳосил қилувчи ҳам 2 га тенг қиймат билан $\mathcal{C}_3$ Калоджеро-Мозер фазосининг координата ҳалқасида ўзгармас бўлади. Шунинг учун, қуйидаги теоремани исботлашимиз мумкин:

12-теорема. Қуйидаги излар

$$\mathrm{Tr}(X), \mathrm{Tr}(Y), \mathrm{Tr}(A^2), \mathrm{Tr}(AB), \mathrm{Tr}(B^2),$$
$$\mathrm{Tr}(A^3), \mathrm{Tr}(A^2B), \mathrm{Tr}(AB^2), \mathrm{Tr}(B^3)$$

$\mathbb{C}[\mathcal{C}_3]$ нинг минимал ҳосил қилувчилари тўпламини ҳосил қилади.

Шунингдек, қуйидаги теорема $\mathbb{C}[\mathcal{C}_3]$ нинг ҳосил қилувчилари орасидаги муносабатни аниқ шаклини кўрсатади.

13-теорема. $\mathbb{C}[\mathcal{C}_3]$ да қуйидагича муносабат ўринли бўлади:

$$\mathrm{Tr}(A^2)\mathrm{Tr}(B^3) - 2\mathrm{Tr}(AB)\mathrm{Tr}(AB^2) + \mathrm{Tr}(B^2)\mathrm{Tr}(A^2B) = 0.$$

Диссертациянинг «**Калоджеро-Мозер фазоларида Пуассон структураси**» деб номланувчи учинчи бобида, $\mathbb{C}[(M_n \times M_n) /\!/ \mathrm{GL}_n]$ инвариантлар алгебрасининг баъзи ҳосил қилувчиларнинг Пуассон кўпайтмалари ҳисобланади. Шода Ли алгебрадан келиб чиққан Пуассон кўпайтмани одатий ҳосил қилувчилар учун ҳисоблаш осон бўлсада, изсиз матрицалар учун уларнинг Пуассон кўпайтмаларини ҳисоблаш мураккаб ҳисобланади.

2-лемма. Ихтиёрий $p,q \geq 2$ сонлар учун қуйидаги ўринлидир:

$$\{\mathrm{Tr}(A^p), \mathrm{Tr}(B^q))\} = pq\mathrm{Tr}(A^{p-1}B^{q-1}) - \frac{pq}{n}\mathrm{Tr}(A^{p-1})\mathrm{Tr}(B^{q-1}).$$

Энди Х.Аслаксен, В.Дренский ва Л.Садиковаларнинг ишида берилган минимал ҳосил қилувчилар учун қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$\begin{aligned} &a_1 = \mathrm{Tr}(X), a_2 = \mathrm{Tr}(Y), a_3 = \mathrm{Tr}(A^2), a_4 = \mathrm{Tr}(AB), a_5 = \mathrm{Tr}(B^2), \\ &a_6 = \mathrm{Tr}(A^3), a_7 = \mathrm{Tr}(A^2B), a_8 = \mathrm{Tr}(AB^2), a_9 = \mathrm{Tr}(B^3), \\ &v = \mathrm{Tr}(A^2B^2) - \mathrm{Tr}(ABAB), w = \mathrm{Tr}(A^2B^2AB) - \mathrm{Tr}(B^2A^2BA). \end{aligned} \tag{7}$$

14-теорема. $\mathbb{C}[\mathcal{M}_3 \times \mathcal{M}_3]^{\mathrm{GL}_3}$ нинг ҳосил қилувчиларининг Пуассон кўпайтма жадвали қуйидагича бўлади:

$$\{a_1, a_2\} = 3$$

	a_3	a_4	a_5	a_6	a_7	a_8
a_4	$-2a_3$					
a_5	$-4a_4$	$-2a_5$				
a_6	0	$3a_6$	$6a_7$			
a_7	$-2a_6$	a_7	$4a_8$	$-\frac{1}{2}a_3^2$		
a_8	$-4a_7$	$-a_8$	$2a_9$	$-a_3a_4$	$-\frac{5}{6}a_3a_5 + v + \frac{1}{3}a_4^2$	
a_9	$-6a_8$	$-3a_9$	0	$-3v + \frac{3}{2}a_3a_5 - 3a_4^2$	$-a_4a_5$	$-\frac{1}{2}a_5^2$

бу ерда жадвалнинг юқори диагонал қисми анти-симметрикдир ва берилмаган кўпайтмалар нолга тенг.

$\mathbb{C}[\mathcal{M}_3 \times \mathcal{M}_3]^{\mathrm{GL}_3}$ даги Пуассон структура $\mathbb{C}[\mathcal{C}_3]$ да $v = -3, w = 2$ қийматлар билан бирга Пуассон структура ҳосил қилади. Энди 13-Теоремада келтирилган $\mathcal{C}_3$ Калоджеро-Мозер фазосининг координата ҳалқасидаги муносабатни (7) даги белгилашлар орқали ёзамиз:

$$a_3a_9 - 2a_4a_8 + a_5a_7 = 0. \tag{8}$$

(8) ифоданинг чап тарафини r_1 орқали белгилайлик. Ушбу ҳисоблаш

$$\begin{aligned} \frac{1}{2}\{a_3, r_1\} &= 3a_3a_8 - 2a_3a_8 - 4a_4a_7 + 2a_4a_7 + a_6a_5 \\ &= a_6a_5 - 2a_4a_7 + a_3a_8 \end{aligned}$$

$\mathbb{C}[\mathcal{C}_3]$ да бошқа бир муносабатни келтириб чиқаради ва уни r_2 орқали белгилаймиз.

Ўхшаш ҳолда қуйидаги муносабатларни ҳам ҳосил қиламиз:

$$\begin{aligned} r_3 &= 9a_3 - a_3a_4^2 + a_3^2a_5 + 6a_6a_8 - 6a_7^2 = \{r_1, a_6\}, \\ r_4 &= 9a_4 + a_3a_4a_5 + 3a_6a_9 - 3a_7a_8 - a_4^3 = \frac{3}{2}\{r_1, a_7\}, \\ r_5 &= 9a_5 - a_4^2a_5 + a_3a_5^2 + 6a_7a_9 - 6a_8^2 = 3\{r_1, a_8\}. \end{aligned}$$

9-таъриф. Айтайлик R Пуассон алгебра ва $\mathcal{I}$ унинг бўш бўлмаган қисм-тўплами бўлсин. Агар $\mathcal{I}$ тўплам R алгебранинг идеали бўлиб, ва $\{\mathcal{I},R\}\subseteq\mathcal{I}$ шартни қаноатлантирса, у ҳолда $\mathcal{I}$ Пуассон идеал дейилади.

15-Теоремадан фойдаланиб ҳисоблашлар натижасида қуйидаги жадвални тўлдириш мумкин:

	a_3	a_4	a_5	a_6	a_7	a_8	a_9
r_1	$-2r_2$	$-r_1$	0	r_3	$\frac{2}{3}r_4$	$\frac{1}{3}r_5$	0
r_2	0	r_2	$2r_1$	0	$-\frac{1}{3}r_3$	$-\frac{2}{3}r_4$	$-r_5$
r_3	0	$2r_3$	$4r_4$	0	$-a_3r_2$	$-2a_3r_1$	$-6a_4r_1+3a_5r_2$
r_4	$-2r_3$	0	$2r_5$	$\frac{3}{2}a_3r_2$	$-a_4r_2+\frac{3}{2}a_3r_1$	$a_4r_1-\frac{3}{2}a_5r_2$	$-\frac{3}{2}a_5r_1$
r_5	$-4r_4$	$-2r_5$	0	$6a_4r_2-3a_3r_1$	$2a_5r_2$	a_5r_1	0

Бу қуйидаги натижани беради:

15-теорема. r_1 орқали ҳосил қилинган $\mathcal{I}=\mathbb{C}[(M_3\times M_3)//\mathrm{GL}_3]$ Пуассон идеал $\mathcal{I}r_1+\mathcal{I}r_2+\mathcal{I}r_3+\mathcal{I}r_4+\mathcal{I}r_5$ идеалга изоморфдир.

Бу биргина муносабатни билиш орқали бошқа 4 та муносабатни ҳам ҳосил қилиш мумкинлигини кўрсатади.

$\mathbb{C}[\mathcal{C}_4]$ да қуйидагича белгилашлар:

$$a_1=\mathrm{Tr}(X),\ a_2=\mathrm{Tr}(Y),\ a_3=\mathrm{Tr}(A^2),\ a_4=\mathrm{Tr}(AB),\ a_5=\mathrm{Tr}(B^2),$$
$$a_6=\mathrm{Tr}(A^3),\ a_7=\mathrm{Tr}(A^2B),\ a_8=\mathrm{Tr}(AB^2),\ a_9=\mathrm{Tr}(B^3),$$
$$a_{10}=\mathrm{Tr}(A^4),\ a_{11}=\mathrm{Tr}(A^3B),\ a_{12}=\mathrm{Tr}(A^2B^2),\ a_{13}=\mathrm{Tr}(AB^3),\ a_{14}=\mathrm{Tr}(B^4),$$

ва кўпҳадларни киритайлик:

$$R_1=-a_3^2a_5+a_3a_4^2+2a_3a_{12}-4a_4a_{11}+2a_5a_{10}+2a_6a_8-2a_7^2+8a_3,$$
$$R_2=-a_3a_4a_5+a_4^3+2a_3a_{13}-4a_4a_{12}+2a_5a_{11}+a_6a_9-a_7a_8-4a_4,$$
$$R_3=-a_3a_5^2+a_4^2a_5+2a_3a_{14}-4a_4a_{13}+2a_5a_{12}+2a_7a_9-2a_8^2+8a_5,$$
$$R_4=-3a_3^2a_8+6a_3a_4a_7+a_3a_5a_6-4a_4^2a_6+12a_6a_{12}-24a_7a_{11}+12a_8a_{10}+48a_6,$$
$$R_5=a_3a_5a_9-4a_4^2a_9+6a_4a_5a_8-3a_5^2a_7+12a_7a_{14}-24a_8a_{13}+12a_9a_{12}+48a_9,$$
$$R_6=-a_3^2a_9+3a_3a_5a_7-2a_4a_5a_6+8a_6a_{13}-12a_7a_{12}+4a_9a_{10},$$
$$R_7=-2a_3a_4a_9+3a_3a_5a_8-a_5^2a_6+4a_6a_{14}-12a_8a_{12}+8a_9a_{11},$$
$$R_8=3a_3^3a_5-3a_3^2a_4^2-12a_3^2a_{12}+24a_3a_4a_{11}-6a_3a_5a_{10}+2a_3a_6a_8-6a_4^2a_{10}$$
$$-4a_4a_6a_7+2a_5a_6^2-6a_3^2+24a_{10}a_{12}-24a_{11}^2+24a_{10},$$
$$R_9=3a_3a_5^3-3a_4^2a_5^2-12a_5^2a_{12}+24a_4a_5a_{13}-6a_3a_5a_{14}+2a_5a_7a_9-6a_4^2a_{14}$$
$$-4a_4a_8a_9+2a_3a_9^2-6a_5^2+24a_{12}a_{14}-24a_{13}^2+24a_{14},$$
$$R_{10}=4a_4a_5a_6-3a_3a_5a_7-12a_4^2a_7+18a_3a_4a_8-7a_3^2a_9+12a_9a_{10}-24a_8a_{11}$$
$$+12a_7a_{12}+48a_7,$$
$$R_{11}=4a_3a_4a_9-3a_3a_5a_8-12a_4^2a_8+18a_4a_5a_7-7a_5^2a_6+12a_6a_{14}-24a_7a_{13}$$
$$+12a_8a_{12}+48a_8,$$
$$R_{12}=3a_3^2a_4a_5-3a_3a_4^3-3a_3^2a_{13}-3a_3a_4a_{12}+3a_3a_5a_{11}+2a_3a_6a_9+12a_4^2a_{11}-9a_4a_5a_{10}$$
$$-4a_4a_6a_8+2a_5a_6a_7+12a_3a_4+12a_{10}a_{13}-12a_{11}a_{12}-48a_{11},$$

$$R_{13} = 3a_3a_4a_5^2 - 3a_4^3a_5 - 3a_5^2a_{11} - 3a_4a_5a_{12} + 3a_3a_5a_{13} + 2a_5a_6a_9 + 12a_4^2a_{13} - 9a_3a_4a_{14} - 4a_4a_7a_9 + 2a_3a_8a_9 + 12a_4a_5 + 12a_{11}a_{14} - 12a_{12}a_{13} - 48a_{13},$$

$$R_{14} = a_3^2a_5^2 + a_3a_4^2a_5 - 2a_4^4 - a_3^2a_{14} - 6a_3a_4a_{13} + 2a_3a_5a_{12} + 2a_3a_7a_9 + 10a_4^2a_{12} - 2a_4a_5a_{11} - 4a_7a_8 - 3a_5^2a_{10} + 2a_5a_7^2 + 10a_3a_5 + 32a_4^2 + 4a_{10}a_{14} + 8a_{11}a_{13} - 12a_{12}^2 - 72a_{12} - 96,$$

$$R_{15} = a_3^2a_{14} - 4a_3a_4a_{13} + 2a_3a_5a_{12} + 4a_4^2a_{12} - 4a_4a_5a_{11} + a_5^2a_{10} + 12a_3a_5 - 4a_{10}a_{14} + 16a_{11}a_{13} - 12a_{12}^2 - 48a_{12}.$$

$\mathbb{C}[\mathcal{C}_4]$ нинг ҳосил қилувчиларининг Пуассон кўпайтмасини ҳисоблаш билан ушбу натижани оламиз:

16-теорема. $1 \le i \le 15$ учун R_i кўпҳадлар $\mathbb{C}[\mathcal{C}_4]$ да муносабатлар бўлади.

Диссертациянинг «**Калоджеро-Мозер фазоларида унимодулар группа таъсири**» деб номланувчи тўртинчи бобида, $\mathcal{C}_2$ Калоджеро-Мозер фазосида унимодулар группа таъсирининг чексиз транзитив бўлиши конструктив усулда исботланади.

G орқали $\mathcal{M}_n \times \mathcal{M}_n$ нинг қуйидагича икки турдаги автоморфизмларидан ҳосил қилинган группани белгилаймиз:

$$(i) \quad \Phi_p : (X, Y) \mapsto (X, Y + p(X)), \text{ бу ерда } p \in \mathbb{C}[t],$$

$$(ii) \quad \Psi_q : (X, Y) \mapsto (X + q(Y), Y), \text{ бу ерда } q \in \mathbb{C}[t].$$

В.Ван дер Кулк ишида G группа қуйидагига изоморф эканлиги исботланган:

$$\mathrm{SAut}(\mathbb{C}[x, y]) = \{f = (f_1, f_2) \in \mathrm{Aut}(\mathbb{C}[x, y]) \mid \mathrm{Jac}(f_1, f_2) = 1\},$$

бу ерда $\mathrm{Jac}(f_1, f_2)$ ифода (f_1, f_2) акслантиришнинг Якобиян матрицасининг детерминанти.

17-теорема. $\mathcal{C}_2$ да G группа таъсири барча $n \in \mathbb{Z}_+$ учун $n-$транзитив бўлади ва шунинг учун чексиз транзитивдир.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация Калоджеро-Мозер фазоларининг алгебраик тавсифини беришдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Калоджеро-Мозер фазосининг координата ҳалқасининг баъзи ҳосил қилувчилари орасидаги муносабатни аниқлаш методи берилган;
2. учинчи ва тўртинчи Калоджеро-Мозер фазолари координата ҳалқаларининг минимал ҳосил қилувчилари тўпламлари топилган;
3. изсиз матрицаларнинг даражаларидан иборат изларнинг Пуассон кўпайтмалари аниқланган;
4. $n \times n$ инвариант матрицаларда Пуассон алгебра структураси аниқланган;
5. тартиби учга ва тўртга тенг бўлган икки квадрат матритцалар инвариантлари алгебрасининг ҳосил қилувчиларнинг Пуассон кўпайтма жадвали қурилган.
6. учинчи ва тўртинчи Калоджеро-Мозер фазоларининг координата ҳалқасининг ҳосил қилувчилари орасидаги баъзи муносабатлар келтирилган.
7. икки ўзгарувчили кўпҳадлар ҳалқасининг унимодулар автоморфизмлари группаси иккинчи Калоджеро-Мозер фазосига чексиз транзитив таъсир этиши исботланган.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 INSTITUTE OF MATHEMATICS NAMED AFTER V.I.ROMANOVSKIY

INSTITUTE OF MATHEMATICS

NORMATOV ZAFAR SHERMIRZA O‘G‘LI

DESCRIPTION OF THE CALOGERO-MOSER SPACES

01.01.06-Algebra

ABSTRACT OF DISSERTATION OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

TASHKENT-2022

The theme of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2022.1.PhD/FM673.

Dissertation has been prepared at Institute of Mathematics named after V.I.Romanovskiy.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website website http://kengash.mathinst.uz and in the website of "ZiyoNet" Information and educational portal http://www.ziyonet.uz.

Scientific supervisor:	**Eshmatov Farkhod Khasanovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Senior researcher
Official opponents:	**Omirov Bakhrom Abdazovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
	Xabier Garcia Martinez Doctor of Mathematical Sciences
Leading organization:	**Andijan State University**

Defense will take place « 28 » June 2022 at 17:00 at the meeting of Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 at Institute of Mathematics named after V.I. Romanovsky. (Address: University str. 9, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

Dissertation is possible to review in Information-resource center at Institute of Mathematics named alter V.I.Romanovsky (is registered № 139). (Address: University str. 9, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871)-207-91-40).

Abstract of dissertation sent out on « 15 » June 2022 year
(Mailing report № 2 on « 15 » June 2022 year)

U.A.Rozikov
Chairman of Scientific Council on award of scientific degrees, D.F.-M.S., Professor

J.K.Adashev
Scientific secretary of Scientific Council on award of scientific degrees, D.F.-M.S., Senior researcher

B.A.Omirov
Chairman of Scientific seminar under Scientific Council on award of scientific degrees, D.F.-M.S., Professor

INTRODUCTION (abstract of PhD dissertation)

Actuality and demand of the theme of the dissertation. Many scientific and practical types of research conducted around the world are mostly focused on the analysis of statistical physics and the theory of invariants. In physics, the n-body problem is the problem of predicting the individual motions of a group of celestial objects interacting with each other gravitationally. Physical laws that govern the motion of each particle may or may not be simple. However, the study of the collection of particles is extremely complex. Thus, many-body theoretical physics most often rely on a set of approximations specific to the problem at hand and ranks among the most computationally intensive fields of science. The Calogero-Moser dynamical system is a well-known one-dimensional many-body problem. One can think of Calogero-Moser system as n particles moving on a line governed by inverse square Hamiltonian, which has an explicit solution. The problems of describing the corresponding phase space of this particle system, n-Calogero-Moser space, is important in solving the problems of statistical physics, dynamic systems, invariant theory and information technology.

Nowadays, the n-th Calogero-Moser space is considered as a typical example of a Nakajima quiver variety. For that reason Calogero-Moser spaces have various applications in algebraic geometry, representation of theory of quivers, preprojective and Cherednik algebras. One of the most fundamental features of the Calogero-Moser space is that it is diffeormic to the Hilbert scheme of n points on the complex plane. Hence all known (co)homological constructions for the Hilbert scheme should have its counterparts for the Calogero-Moser space. Unlike the Hilbert scheme, the Calogero-Moser space is a smooth affine algebraic variety, which is determined by its algebra of polynomial functions. An explicit description of the algebra of polynomial functions is one of the open problems of the theory of invariant matrices.

